



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 3 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2025

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалигини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафасва Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори, профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуридиневич
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозогистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Лазизахон Алиджанова БЕРУНИЙНИНГ ҚИЁСИЙ ДИНШУНОСЛИККА ОИД ИЛМИЙ ЁНДАШУВИ.....	5
2. Шоҳрух Гулбаев ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТЎХОРИСТОН.....	9
3. G‘ulom Djumamurotov XVIII ASR VA XIX ASR BOSHLARIDA QORAQALPOQLARNING O‘RTA OSIYO XONLIKLARI VA ROSSIYA BILAN SIYOSIY VA IQTISODIY ALOQALARI.....	13
4. Bahodir Isakov O‘ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA TARIXIY MEROSNING O‘RNI.....	20
5. Parvina Ismoilova TURKISTONGA RUS BANKLARINING KIRIB KELISHI (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI).....	24
6. Икрамжон Исмаилов ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1991-2020 йй.).....	29
7. Парвиз Магеррамов ВЗАИМООТНОШЕНИЯ АЗЕРБАЙДЖАНА СО СТРАНАМИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ОБЛАСТИ ТРАНСПОРТА.....	37
8. Sayyora Turayeva XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA TURKISTON MINTAQASIDA XORIJIY JAMIYATLARNING KONCHILIK SOHASIGA KIRIB KELISHI TARIXIDAN.....	44
9. Дмитрий Епифанов ЭФФЕКТИВНЫЕ СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА ПРЕПОДАВАТЕЛЕМ ПО ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА НА ПРИМЕРЕ CHATGPT.....	55
10. Зебунисо Саидова ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ЁШ-ЖИНСИЙ ТАРКИБИ ДИНАМИКАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР).....	65
11. Nishona Hasanova MARKAZIY OSIYODA BOG‘-XIYOBON SAN’ATI VA CHORVACHILIKNING RIVOJLANISH TARIXI.....	74
12. Ўткиржон Хошимов ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЛМ-ФАН СОҲАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	79



Ўткиржон Кушмирзаевич Хошимов,
Тошкент давлат педагогика университети,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Электрон манзил: utkirjon.khoshimov@mail.ru

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЛМ-ФАН СОҲАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

For citation: Utkirjon K. Khoshimov. CHANGES IN THE DIRECTIONS OF SCIENCE IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF “PERESTROIKA”. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 3, pp.79-85

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15132853>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада СССРда 1980-йиллар ўрталарига келиб қайта қуриш сиёсатининг асосий мазмуни бўлган ижтимоий-иқтисоидий соҳаларни жонлантириш мақсадида фан-техникани ривожлантиришга эътибор қаратилиши, республиканинг барча илмий муассасаларида бўлгани каби Ўзбекистон олий таълим тизимида ҳам илм-фан соҳаларида юз берган ўзгаришлар, жамият ҳаётидаги тутган ўрни, олий таълим муассасаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг мавжуд ҳолати ва муаммолар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Олий таълим муассасалари, хўжалик шартномалари, илмий салоҳият, илм-фан, фан номзоди, фан доктори.

Уткиржон Кушмирзаевич Хашимов,
Ташкентский государственный педагогический университет,
доктор философии по историческим наукам, доцент
Электрон адрес: utkirjon.khoshimov@mail.ru

ИЗМЕНЕНИЯ В НАПРАВЛЕНИЯХ НАУКИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ ПЕРЕСТРОЙКИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается направленность развития науки и техники в середине 1980-х годов в СССР в целях оживления социально-экономических отраслей, что составляло основное содержание политики перестройки, изменения, произошедшие в сфере науки и техники в системе высшего образования Узбекистана, как и во всех научных учреждениях республики, ее роль в общественной жизни, а также современное состояние и проблемы научных исследований, проводимых в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: Высшие учебные заведения, хозяйственные договоры, научный потенциал, наука, кандидат наук, доктор наук.

Utkirjon K. Khoshimov,
Tashkent state pedagogical university,
PhD in Historical Sciences, docent
email: utkirjon.khoshimov@mail.ru

CHANGES IN THE DIRECTIONS OF SCIENCE IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF “PERESTROIKA”

ABSTRACT

The article examines the direction of the development of science and technology in the mid-1980s in the USSR in order to revive the socio-economic sectors, which was the main content of the perestroika policy, changes that occurred in the field of science and technology in the system of higher education in Uzbekistan, as well as in all scientific institutions of the republic, its role in public life, and the current state and problems of scientific research conducted in higher educational institutions.

Index Terms: higher educational institutions, business contracts, scientific potential, science, candidate of sciences, doctor of sciences.

1. Долзарблиги:

Инсоният тарихидан маълумки, мамлакатлар тараққиётининг асосий бош омили ушбу жамиятларнинг илм-фанга қаратган эътибор натижасида юз берганлигини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон илм-фани босиб ўтган йўли, эришилган натижалар, шунингдек, айнан бу соҳанинг яратувчиси ва иштирокчиси бўлган муассасалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли институт ва университетларда XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида илмий тадқиқотларнинг амалга оширилишини, ҳолати ва муаммоларини тарихий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш, бугунги илм-фан соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини янада тереқ англаш имкониятини бериши билан муҳим аҳамият касб этади.

2. Тадқиқот методологияси:

Мақолада қиёсий таҳлил (comparative analysis), статистик таҳлил (statistical analysis), миқдорий таҳлил (quantitative analysis), мазмуний таҳлил (content analysis) тамойиллари асосида ўрганиш мақсад қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган архив ҳужжатларини илк бор муомалага киритиш асносида танланган мавзунга чукрроқ таҳлил қилиш, юз берган ўзгаришларга объектив баҳо беришга ҳаракат қилинган.

3. Тадқиқот натижалари:

XX асрнинг 80-йиллар ўрталарига келиб СССРда юз берган инқироз ҳолатидан чиқиш учун ҳукумат бир қатор давлат дастурлари ва ғояларни илгари сурди. “Қайта қуриш” деб ном олган бу даврда Иттифоқда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳалар таназзул ҳолатида эди. Ушбу вазиятдан чиқиш учун бирдан-бир йўл сифатида илм-фанни ривожлантириш орқали иқтисодиётни оёққа турғизиш мақсад қилинди.

XX асрнинг иккинчи яримида Совет Иттифоқи ва ғарб давлатлари ўртасида сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда бўлган ўзига хос рақобат илм-фан соҳаларида ҳам кузатилди. Шу жиҳатдан Иттифоқда илм-фанни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Совет Иттифоқи илм-фан соҳаларида бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Иттифоқ биринчи бўлиб атом электр станциясини қурди, сунъий йўлдошни учирди ва биринчи одамни коинотга юборди[1]. XX асрда дунёнинг ривожланган давлатлари қаторида СССРда ҳам илм-фан тараққий этди. Совет олимларининг билими ва техника тараққиётининг турли соҳаларидаги муваффақиятлари ҳаммага маълум эди. Космосни тадқиқ қилиш, математика ва механика, термоядро синтези, квант электроникаси соҳасидаги, биологиянинг бир қанча соҳаларидаги ютуқлар билан фахрланиш мумкин бўлган[2].

Совет жамиятида илм-фанни ривожлантиришга қаратилган эътиборни бу соҳани молиялаштиришда ҳам кўриш мумкин. Масалан, Иттифоқ бўйича 1980 йилда давлат

бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан илм-фанни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун 22,3 млрд рубль (Совет Иттифоқи давридаги пул бирлиги) сарфланган бўлса, 1985 йилга келиб бу миқдор 28,6 млрд рублни, 1988 йилда эса 37,8 млрд рублни ташкил этди. Яъни миллий даромаднинг 1980 йилда 4,8 фоизи, 1985 йилда 5,0 фоизи, 1988 йилда 6,0 фоизи илм-фан соҳаларини ривожлантириш мақсадида ажратилган[3. С.275]. Бу кўрсаткич ривожланган давлатлар томонидан илм-фан соҳаларини қўллаб-қувватлашга ажратаётган молиявий манбаларга мос келади. Натижада, бутун Иттифокда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам илм-фаннинг янги ютуқлари қўлга киритилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятли кадрлар сони ортиб борди.

Хусусан, Ўзбекистон ССР Олий ўрта махсус таълим вазирлигида 1979/1980-ўқув йилида жами 8504 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият юритган бўлса, уларнинг 207 нафари (2,4 фоиз) фан докторлари ва профессорлар, 3022 нафари (35,6 фоизи) фан номзоди ва доцентлардан иборат бўлган. Вазирлик бўйича илмий салоҳият 38,0 фоизни ташкил этган [4. В.31]. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли олий таълим муассасаларида 1984/1985 ўқув йилида жами 10385 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият юритган бўлса, шулардан 275 нафари фан докторлари, 4231 нафари фан номзодлари бўлиб[5. В.5], илмий салоҳият 43,3 фоизни ташкил этган. Шу йиллар давомида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли олий таълим муассасаларида меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчилар сони 22,1 фоизга, фан докторлари сони 32,8 фоизга, фан номзодлари сони 40,0 фоизга, илмий салоҳият 5,3 фоизга ўсганлигини кузатиш мумкин. Бу олий таълим муассасаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган ютуқлар дейиш мумкин.

Ўзбекистон олий таълим муассасалари илмий жамоатчилиги нафақат республика, балки бутун иттифок иқтисодиётига фойда келтирадиган илмий тадқиқот ишларини самарали амалга оширган. Жумладан, олий таълим муассасаларида давлат буюртмаси ва хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича ўзига хос натижаларга эришган. Хусусан, 1985 йилда республика олий таълим муассасалари олимлари томонидан 1138 та лойиҳа, жумладан, корхона ва ташкилотлар билан тузилган хўжалик шартномалари бўйича 733 та лойиҳа амалга оширилган. Хўжалик шартномалари асосида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг олий таълим муассасалари кесимида энг катта ҳажми ТошПИ (5,752 млн. рубль), ТошДУ (4,830 млн. рубль), СамДУ (2,445 млн. рубль)да бажарилган. Илмий изланишлар натижалари бўйича 12 та докторлик ва 243 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган, муаллифлик гувоҳномаси бериш тўғрисида 134 та ижобий қарорлар олинган, 85 та монография, 65 та университетлараро илмий тўпламлар, 4173 та илмий мақолалар, 111 та дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилган. Ушбу йилда халқ хўжалигида 198 та лойиҳанинг натижалари амалга оширилиб, 35 миллион рубллик иқтисодий самарага эришилган. Улардан 17 таси СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат ривожланиш режалари бўйича, 19 таси фан ва техника ютуқларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш бўйича тармоқ режалари доирасида амалга оширилган[5. В.5].

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш борасида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берганлигини кузатиш мумкин. Масалан, илмий-тадқиқот ва лойиҳалар учун ажратилган маблағларнинг умумий миқдори 1983 йилда 20,5 миллион рублни, 1984 йилда 22 миллиондан ортиқроқ рублни[6. В.75], 1985 йилда 24,441 миллион рублни[5. В.5], 1986 йилда 25 миллион рубль[7. В.31], 1987 йилда 25,5 миллион рублни ташкил этган[8. В.10]. Йиллар кесимида илмий тадқиқотлар учун ажратилаётган маблағлар миқдори ўсиб бориши натижасида, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишларида сезиларли ўзгаришлар юз берган.

Хусусан, Республика олий таълим муассасаларида алоҳида миллий иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий изланишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланган Тошкент давлат университетига 1985 йилда жами 3 миллион 839 минг рубль (1 миллион 951 минг рубль давлат бюджети маблағлари ва 1 миллион 885 минг рубль хўжалик шартнома маблағлари ҳисобидан) илмий-тадқиқот ва тажриба-

конструкторлик ишлари бажарилди. Тугалланган илмий-тадқиқот ишларининг умумий самарадорлиги 4 миллион 405 минг рублни ташкил этган[9. В.18]. Тадқиқотлар натижалари 63 та монография, 79 та илмий мақолалар тўплами, 67 та дарслик ва ўқув қўлланмалари, 4224 та илмий мақолаларда ўз аксини топган[10. В.103]. Республикада йўл қурилиши ва лойиҳалаш бўйича етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланган Тошкент автомобиль йўллари институтида 1985 йилда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини амалга ошириш натижасида иқтисодий самарадорлик 2 миллион 11 минг рублни ташкил этган[11. В.28]. Бундан ташқари институтда дунё миқёсида халқаро ҳамкорлик доирасида ҳам илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, 1984-1985 йилларга мўлжалланган ЮНЕСКОнинг “Инсон ва биосфера” дастури доирасида институт доцентлари С.Саидаминов ва Г.Поляковалар хорижий ташкилотлар ва университетлар етакчи олимлари билан биргаликда тадқиқотлар олиб боришган[13. В.21]. Тошкент политехника институтида ҳам 1981-1985 йилларда иқтисодий лойиҳалар ва тадқиқот ишларининг умумий ҳажми 17 миллион 710 минг рублни ташкил этган бўлса, 1985 йилда амалга оширилган илмий ишлар жами 5 миллион 750 минг рублни ташкил этган[12. В.10].

Республиканинг марказий олий таълим муассасаларида бўлгани сингари вилоятларда жойлашган олий таълим муассасаларида ҳам илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва бунинг натижасида қўлга киритилган иқтисодий самарадорлик бўйича пойтахтда жойлашган олий таълим муассасаларидан қолишмаган. Хусусан, Нукус давлат университетида (НДУ) 1985 йилда умумий қиймати 375,0 минг рубль бўлган 19 та хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот лойиҳалари бажарилган[13. В.4]. Тугалланган илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича 1985 йил режасига мувофиқ 7 та тадқиқотни амалга ошириш натижасида 1 миллион 290 минг рубль иқтисодий самарага эришилган. Университетда белгиланган режа ортиғи билан бажарилган[16. В.37]. Бухоро вилоятида жойлашган Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институтида ҳам 1985 йилда 11 та илмий-техник ишланмаларни амалиётга жорий этилиши натижасида иқтисодий самарадорлик 832,3 минг рублни ташкил этган[14. В.25]. Институтда 1985 йилда амалга оширилган илмий изланишлар натижасида қўлга киритилган ихтироларга 3 та СССР муаллифлик гувоҳномаси ва 7 та мултифлик гувоҳномасини бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган. Институтда 1 та монография ва 4 та рисола ҳамда 65 та илмий ва илмий-услубий мақолалар чоп этилган[18. В.30].

Фарғона водийси вилоятларида технология соҳасида ўз ўринга эга бўлган Фарғона политехника институтида ҳам илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишдан олинган иқтисодий самарадорлик 1981-1985 йилларда 6 миллион 328 минг рубль бўлиб, биргина 1985 йилда иқтисодий самарадорлик 1 миллион 619 минг рублни ташкил этган. Шу йиллар давомида институт профессор-ўқитувчилари томонидан 4 та докторлик ва 48 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди[15. В.6].

Қўлга киритилаётган ижобий ютуқлар билан бирга Ўзбекистон олий таълим тизимида илм-фан соҳаларида қатор муаммолар мавжуд эди. Хусусан, юқорида Ўзбекистон олий таълим тизимида илм-фанга йўналтирилган маблағларни йиллар кесимида ижобий ўсиш динамикаси келтириб ўтилган бўлсада, бу рақамларни иттифоқдаги бошқа республикалар билан солиштирилса, Ўзбекистон бу борада ортда қолганлигини кўриш мумкин. Масалан, 1986 йилда олий таълим тизимида илм-фан соҳаларига Белоруссияда 42 миллион рубль, Литвада 30 миллион рубль ажратилган[9. В.31]. Бу даврда катта илмий салоҳиятга эга эканлигига қарамасдан Ўзбекистон илм-фан ривожланишига Белоруссиядан 17 миллион рубль, Литвадан 5 миллион рубль кам маблағ ажратилган. Бу ўз навбатида Ўзбекистон олий таълим тизимида илм-фан соҳаларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган. Бунга яна бошқа бир мисолни келтириб ўтиш ўринли бўлар эди. Жумладан, 1986 йилда Иттифоқда олий таълим муассасаларида бир ўқитувчига тўғри келадиган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг ўртача ҳажми 4810 рублни, Ўзбекистон ССР Олий таълим вазирлиги тизимида 2380 рублни ташкил этган[9. В.31]. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон олий таълим тизими профессор-ўқитувчилари илмий-тадқиқот ишларини

бажарилиши бўйича маблағ билан таъминланиш даражаси Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан 50,5 фоизга кам бўлган. Бундан шуни ҳам англаш мумкинки, катта илмий салоҳиятга эга бўлишига қарамасдан республика олий таълим муассасаларида илм-фан соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмаган. Оқибатда, Ўзбекистон олий таълим тизимидаги илм-фан бўйича иттифоқда катта ўрин эгаламаган. Бу ўша даврда марказ томонидан олиб борилган ўзига хос сиёсат эди. Шу жиҳатдан, тадқиқот лойиҳалари РСФСРнинг Москва, Ленинград, Новосибирск шаҳарларида, шунингдек, Украина ССРдаги Киев шаҳрида жамланган[1]. Олий ўқув юртлиридаги фан муҳим резервдир, унинг имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланилмаган. Холбуки, мавжуд маълумотларга қараганда, олий ўқув юртлири илмий-тадқиқот ишлари ҳажмини 2-2,5 баробар кўпайтириш мумкин бўлган[2]. Иттифоқ бўйича шунингдек республикаларда ҳам жаҳоннинг илғор моделларидан ортда қолиб, олий таълим муассасалари асосан таълим бериш керак, деган қараш устунлик қилган.

Марказий ҳукумат сиёсий раҳбарияти халқ хўжалигининг барча тармоқларини, ҳатто илм-фанни ҳам мустабид совет тузумини мустаҳкалаш ва уни такомиллаштириш учун сафарбар қилди[16. Б.249]. Ўзбекистонда таълим ва илм-фан соҳалари мазмунан ўта сиёсийлаштирилган эди. XX асрнинг 80-йиллар ўрталарида ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқотларнинг аҳамияти беқиёс ошди[17]. Бу вақтда ижтимоий фанлар соҳасидаги олимлар олдига социалистик жамият асослари ва коммунистик мафкурага садоқатли кишилар дунёқарашини шакллантириш йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш сифатини янги босқичга кўтариш вазифалари қўйилди. Шу сабабдан олий таълим муассасаларида бу ишларга катта эътибор қаратилди. Амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар устидан назорат яна ҳам кучайди. Бунга биргина мисол, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига республикада мавжуд олий таълим муассасалари ўқув ва илмий соҳаларда амалга оширилган ишлар юзасидан йил якуни бўйича умумий ҳисобот топширилган. Бироқ, бу ҳисоботлардан ташқари олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган “Марксизм-ленинизм фалсафаси”, “Фалсафа ва илмий коммунизм”, “КПСС тарихи” каби кафедралар ўқув жараёни ва амалга оширилган илмий тадқиқот фаолияти бўйича алоҳида шаклда кафедра кесимида вазирликка ҳисобот топширган[18]. Бундан англаш мумкинки, таълим-тарбия ва илм-фан коммунистик мафкурага асосланган ҳолда ташкил этилган. Бу ўз навбатида миллий ва умуминсоний қадриятлар билан ҳисоблашмаслик, таълим олувчиларнинг эркин фикрлаши, ижодий изланишларини чеклаш, оқибатда халқаро тан олинган илмий ва техника ютуқларидан ортда қолишга олиб келди.

Илм-фаннинг вазифаларига замон талаблари – уни ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари сари, ишлаб чиқаришни эса илм-фан сари қатъиян талаблари нуқтаи назаридан қараш керак[2]. Олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш билан интеграциясига боғлиқ. Бу борада ишлаб чиқаришда ўқув, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, ҳудудий илмий-тадқиқот лабораториялари ва кафедралар филиалларини ташкил этиш илғор шакл ҳисобланади. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида 1985 йилда 12 та ўқув, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, 44 та саноат лабораториялари ташкил этилганлигига қарамасдан, илмий тадқиқот ишлари натижаларини ишланмаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш соҳасидаги ишлар яхши йўлга қўйилмаган эди. Масалан, 1980-1985 йилларда режада бажарилган 2140 та тадқиқот лойиҳасидан атиги 1100 та ишланма амалиётга жорий этилган, қолган 1040 лойиҳалар тақдири номаълумлигича қолган[9. В.32]. Республиканинг баъзи олий таълим муассасаларида ҳам бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилмаган эди. Жумладан, Тошкент давлат университети, Тошкент халқ хўжалиги институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Нукус давлат университетида ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилмаган. Бунинг асосий сабаби илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича олий таълим муассасалари раҳбарлари мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаган[9. В.32].

Бундан ташқари, айнан аниқ ва техника фанлари бўйича лабораторияларнинг моддий-техник ҳолатининг замон талабларига жавоб бермаслигига қарама-қарши ҳолатда ушбу соҳалар бўйича илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш, аспирантурада фанлар кесимида квоталарни ажратишда устуворлик берилган. Хусусан, 1985 йилда Тошкент давлат университетида аспирантура ўринларининг 21,3 фоизи математика-физика фанига ажратилган бўлса, қолган ўринлар 13 та фан йўналишлари бўйича тақсимланган[12. В.94]. Ушбу фан йўналишларида илмий изланишлар олиб бораётган ёш тадқиқотчилар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, диссертацияларни ўз вақтида химоя қилиш имкониятларини чеклаган.

Умуман, совет илмий фаолиятининг асосий қисми СССР ёки республика Фанлар академиялари ёки тармоқ вазирликларига қарашли илмий-тадқиқот институтларида амалга оширилган. Олий ўқув юртлари илмий-тадқиқот ишларида унчалик катта бўлмаган ролга эга бўлиб, илмий-тадқиқот ходимларининг атиги учдан бир қисми ташкил этган[1].

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида такидлаш лозимки, қайта қуриш йилларида илм-фанни ривожлантириш орқали ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигига эришиш мақсадида кўплаб ғоялар илгари сурилган бўлсада, республикаларда, хусусан, Ўзбекистон олий таълим муассасаларида илм-фан ривожига катта эътибор қаратилмади. Республикалар олий таълим муассасаларидаги илмий салоҳиятдан келиб чиқиб, молиялаштириш, бу соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш чекланган эди. Оқибатда, мамлакатдаги фаолият юритаётган олий таълим муассасаларидаги илмий-тадқиқот ишлари замон талаблари даражасида ривожланишдан ортда қолди.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Chankseliani Maia, Lovakov Andrey, Pislyakov Vladimir. A big picture: bibliometric study of academic publications from post-soviet countries. *Scientometrics* (2021) 126: 8701-8730, <https://doi.org/10.1007/s11192-021-04124-5>, <https://link.springer.com/article/10.1007/s11192-021-04124-5> (10.02.2025)
2. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш – ҳаёт талаби // Совет Ўзбекистони. – 1985. 12 июнь. (Acceleration of scientific and technical development – a necessity of life // Soviet Uzbekistan. – 1985. June 12.).
3. Народное хозяйство СССР в 1988 г. Статистический ежегодник. – Москва: Финансы и статистика, 1989. – 275 с. (National economy of the USSR in 1988. Statistical yearbook. – Moscow: Finance and statistics, 1989. – 275 p.).
4. Ўз МА. Р-2653-фонд, 1-рўйхат, 4267- йиғма жилд, 31-32-варақлар. (NA of Uzbekistan, Fund R-2653, list 1, case 4267, sheets 31-32).
5. Ўз МА. Р-2653-фонд, 1-рўйхат, 5586-йиғма жилд, 5-варақ. (NA of Uzbekistan, Fund R-2653, list 1, case 5586, sheet 5).
6. Ўз МА. Р-2653-фонд, 1-рўйхат, 5425-йиғма жилд, 75-варақ. (NA of Uzbekistan, Fund R-2653, list 1, case 5425, sheet 75).
7. Ўз МА. Р-2653-фонд, 1-рўйхат, 5693-йиғма жилд, 31-варақ. (NA of Uzbekistan, Fund R-2653, list 1, case 5693, sheet 31).
8. Ўз МА. Р-2653-фонд, 1-рўйхат, 6220-йиғма жилд, 10-варақ. (NA of Uzbekistan, Fund R-2653, list 1, case 6220, sheet 10).
9. Ўз МА. Р-2653-фонд, 1-рўйхат, 5605-йиғма жилд, 18-варақ. (NA of Uzbekistan, Fund R-2653, list 1, case 5605, sheets 18).
10. Ўз МА. Р-2653-фонд, 1-рўйхат, 5604-йиғма жилд, 94, 103-варақлар. (NA of Uzbekistan, Fund R-2653, list 1, case 5604, sheets 94, 103).
11. Ўз МА. Р-2653-фонд, 1-рўйхат, 5600-йиғма жилд, 28, 21-варақлар. (NA of Uzbekistan, Fund R-2653, list 1, case 5600, sheets 28, 21).

12. Ўз МА. Р-2653-фонд, 1-рўйхат, 5599-йиғма жилд, 10-варақ. (NA of Uzbekistan, Fund R-2653, list 1, case 5599, sheets 10).
13. Ўз МА. Р-2653-фонд, 1-рўйхат, 5592-йиғма жилд, 4, 37-варақлар. (NA of Uzbekistan, Fund R-2653, list 1, case 5592, sheets 4, 37).
14. Ўз МА. Р-2653-фонд, 1-рўйхат, 5591-йиғма жилд, 25, 30-варақлар. (NA of Uzbekistan, Fund R-2653, list 1, case 5591, sheets 25, 30).
15. Ўз МА. Р-2653-фонд, 1-рўйхат, 5606-йиғма жилд, 6-варақ. (NA of Uzbekistan, Fund R-2653, list 1, case 5606, sheet 6).
16. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб 1917-1939 йиллар / Масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р., Рахимов., Ражабов Қ. – Тошкент: О'zbekiston, 2019. – Б.249. (History of Uzbekistan (1917-1991). Second book 1917-1939 / Editors: Abdullaev R., Rakhimov., Rajabov K. – Tashkent: Uzbekistan, 2019. – P.249).
17. Илий тадқиқотлар юксак самарали бўлсин // Совет Ўзбекистони. – 1985. 26 март. (May scientific research be highly effective // Soviet Uzbekistan. – 1985. March 26).
18. Қаранг: Ўзбекистон Миллий архиви. Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5806, 154-варақ, Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5807, 130-варақ, Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5808, 33-варақ, Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5809, 93-варақ, Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5810, 48-варақ, Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5815, 81-варақ, Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5816, 87-варақ, Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5817, 23-варақ, Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5827, 178-варақ, Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5829, 76-варақ, Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5830, 52-варақ, Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5831, 120-варақ, Фонд-Р-2653, Рўйхат-1. Йиғма жилд-5832, 172-варақ (See: National Archives of Uzbekistan. Fund-R-2653, List-1. Collection Volume-5806, Sheet 154, Fund-R-2653, List-1. Collection Volume-5807, Sheet 130, Fund-R-2653, List-1. Collection Volume-5808, Sheet 33, Fund-R-2653, List-1. Collection Volume-5809, Sheet 93, Fund-R-2653, List-1. Collection Volume-5810, Sheet 48, Fund-R-2653, List-1. Collection Volume-5815, Sheet 81, Fund-R-2653, List-1. Collection Volume-5816, Sheet 87, Fund-R-2653, List-1. Collection Volume-5817, Sheet 23, Fund-R-2653, List-1. Collection Volume-5827, Sheet 178, Fund-R-2653, List-1. Collection Volume-5829, Sheet 76, Fund-R-2653, List-1. Collection Volume-5830, Sheet 52, Fund-R-2653, List-1. Collection Volume-5831, Sheet 120, Fund-R-2653, List-1. Collective volume-5832, page 172.).

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 3 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000